Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 48 (5.939) • 1986 йил 26 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

**Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирмоқда.**

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди 1986 йил 25 февраль куни, эрталаб соат 10 да, Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ишчанлик вазиятида очилди.

Залда ҳозир бўлганлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий ўртоқларни қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев съездни очади.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини — Президиум, Секретариат, Редакцион ва Мандат комиссияларини бир овоздан сайлайдилар.

Раислик қилувчи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан чет эл коммунистик, ишчи, революцион-демократик, социалистик, социал-демократик, лейбористлар партиялари ва бошқа партияларнинг делегациялари, демократик жамоат ташкилотларининг вакиллари съездга келганликларини маълум қилади. Съезд қатнашчилари меҳмонларни самимий табриклайдилар.

КПСС XXVII съездининг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ва партиянинг вазифалари.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси тўғрисида.

КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига сиёсий доклади — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи Марказий Ревизия комиссиясининг Раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижков.

Партиянинг Марказий органларини сайлаш.

Дастлабки уч масала юзасидан алоҳида-алоҳида докладлар қилинмай, балки уларнинг моҳиятини КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига сиёсий докладида баён этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига сиёсий докладини қилди. Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладининг охирги сўзларидаги: Лениннинг ғайрат билан, ирода бирлиги билан янада юқори кўтарилиш, олға бориш ҳақидаги васиятини бажарайлик, деган даъватини съезд делегатлари ва меҳмонлари ғоят якдиллик ва гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини тинглади. Бу ҳақда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов доклад қилди.

# Кремлдаги Съездлар саройи, 25 февраль




Коммунистлар партияси учун буюк Ленин таълимоти ҳамиша йўлни белгилаш учун компас, ҳаракат учун йўлланма бўлиб келди. Партия, бутун совет халқи бугунги кунда, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми белгилаб берган йўл ҳамма жойда қарор топиб, янгиланиш ва бунёдкорлик ғайратини, миллионларнинг фидокорона ижодий меҳнати ҳаётбахш кучини жўш урдирган бир пайтда ўз режалари ва орзу-умидларини Ленин, унинг мангу ғоялари билан қиёсламоқдалар.

Партия эришилган ютуқларга реалистик баҳо бериб, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кўп қиррали вазифаларини белгилаб бермоқда. Партия ўз ҳаракатларида жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш, коммунистик қурилиш йўлида олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини берадиган ўзгартишлар ва янгиланишларда, меҳнат унумдорлиги даражасини қўлга киритишда совет кишиларининг иродаси ва интилишларига таянади.

КПСС халқ билан мустаҳкам бирликдан куч-қувват олиб, омманинг ғайратини ижтимоий тараққиётнинг етилган проблемаларини сира кечиктирмай, дадил ҳал этишга юксак масъулият, чинакам революцион шижоат билан сафарбар этмоқда. Ленин партиясининг термоядро уруши хавфини бартараф этиш, ялпи ва тўла қуролсизланишга эришишга қаратилган изчил йўли жаҳон халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Коммунистлар партия съездига ўзларининг энг яхши вакилларини сайладилар. Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига бошланган ишнинг ҳаққонийлигига чуқур ишонган, партия ва халқнинг муштарак ишига ҳисса қўшишга фаол интилган ҳолда тўпландилар. Съезд 25 февраль куни Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида очилди.

Эрталаб соат 10. Залда ҳозир бўлганлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Бош секретари **М. С. Горбачев** съездни очади. М. С. Горбачев бундай деди:

**Делегат ўртоқлар!**

**Иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, ўлка, область партия конференцияларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига 5000 делегат сайланди. Съездга 4993 делегат келди. Узрли сабабларга кўра 7 киши етиб келмади. Бу эса бизга съезд ишини бошлаш учун асос бўлади.**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ КПСС XXVII съездини очиқ, деб эълон қиламан. (Давомли қарсаклар).**

**Ўртоқлар!**

**Биз съезднинг раҳбар органларини — президиум, секретариат, редакцион ва мандат комиссияларини сайлашимиз керак.**

**Ана шу органларнинг составн юзасидан таклифлар республика, ўлка ва область партия ташкилотлари делегациялари вакиллари кенгашининг кеча Кремлда бўлиб ўтган мажлисида тайёрланган эди. Бу таклифлар съезд делегатларига тарқатилган ва улар сизнинг муҳокамангизга тақдим этилади.**

Делегатлар съезд президиумини бир овоздан сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан съездга келган коммунистик, ишчи, революцион-демократик ва социалистик партиялар делегацияларининг раҳбарлари ҳам президиумдан жой оладилар.

Съезд секретариати, редакцион ва мандат комиссиялари бир овоздан сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев сўзга чиқади. У бундай деди:

Ўртоқлар! Съездда коммунистик, ишчи, революцион-демократик, социалистик, социал-демократик, лейбористлар ва бошқа партияларининг 152 делегацияси, демократик жамоат ташкилотларнинг намояндалари ҳозир бўлди. Улар турли қитъалардаги 113 мамлакатдан келганлар. Уларнинг тўла рўйхати қўлингизда бор. Москвага ўз делегатларини юбориб, бизга ҳурмат-эътибор кўрсатган партиялар, ташкилотлар, ҳаракатларга съезд номидан самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ҳурмат-эҳтиром, унинг халқаро обрў-эътиборини эътироф этиш шунда намоён бўлмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Съезд ишида социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари қатнашмоқда. Партияларимиз ва давлатларимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган биргаликдаги ҳаракатлари, уларнинг интернационализми жаҳон ижтимоий тараққиётининг қудратли кучи бўлиб қолди.

Биз билан биргаликда янги жамият — эксплуатация ва зулмдан ҳоли бўлган жамият қураётган, ялпи тинчлик ва социал тараққиёт ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшаётган партиялар ва халқларни чин қалбдан табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Шу залда Африка, Осиё, Лотин Америкасидаги социал тараққиёт ва миллий-озодлик йўлини танлаб олган мамлакатлар бир қанча идора қилувчи партияларининг делегациялари ҳам ўтирибди. Биз империализмга қарши, жаҳон ҳамжамиятида сиёсий ва иқтисодий муносабатларни демократлаштириш учун курашаётган мана шу янги, улкан халқаро куч билан бирдамлигимизни изҳор қиламиз. **(Қарсаклар).**

Съездимизга Ғарбий Европа, АҚШ ва Канада, Осиё ва Тинч океан мамлакатларидан, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларидан коммунистик ва ишчи партиялари делегациялари келган. Биз синфдош биродарларимиз, коммунизм идеаллари учун, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва бутун инсоният озодлиги учун мард курашчилар билан яна дийдор кўришганимиздан ҳурсандмиз. Бизнинг фикри-зикримиз бугунги кунда ўз илғор қарашлари учун зиндон ва турмаларда азоб чекиб ётган, қийноққа солинаётган ва таъқиб қилинаётган кишилардадир. Съездимиз овозини, совет коммунистлари бирдамлиги овозини улар ҳам эшитишларига аминмиз. **(Қарсаклар).**

Съездга революцион-демократик ва миллий-демократик партияларнинг делегациялари ҳам келган. Биз империализм, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларнинг вакилларини қизғин табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Съезд меҳмонлари орасида социалистик, социал-демократик, лейбористлар партияларининг вакиллари бор. Социалистик интернационал вакиллари ҳам шу ерда. Бизнинг алоқаларимиз ва мулоқотларимиз уруш хавфини бартараф этиш, қуролсизланиш ишини олға силжитиш, ижтимоий тузумидан қатъий-назар давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшаш принципларини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, оммавий, нуфузли демократик ташкилотларнинг намояндалари съездда ҳозир бўлганлигидан хурсандмиз.

Ўртоқлар, социализм, тинчлик, демократия, миллий-озодлик ва социал тараққиёт кучларини сизларнинг номингиздан, мамлакатимизнинг барча коммунистлари номидан самимий табриклашга ижозат этгайсиз. Уларга муваффақият ва бахт-саодат тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! XXVI съезддан кейин ўтган вақт ичида таниқли совет сиёсат ва давлат арбоблари: Леонид Ильич Брежнев, Юрий Владимирович Андропов, Константин Устинович Черненко, Михаил Андреевич Суслов, Арвид Янович Пельше, Дмитрий Федорович Устинов оламдан ўтдилар.

Шу даврда жаҳон коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракати Сугисвара Викремасингхе, Вальдек Роше, Вилле Песси, Никола Шауи, Исмоил Билен, Юсуф Даду, Густаво Мачадо, Энрико Берлингуэр, Томис Нисидзава каби мард интернационалист курашчилардан жудо бўлди. Империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашга катта ҳисса қўшган Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди фожеали ҳалок бўлди.

Ўз ҳаётини порлоқ коммунистик идеаллар учун, ер юзида тинчлик ва кишилар бахт-саодати учун курашга астойдил бағишлаган дўстларимиз ва сафдошларимизнинг номи қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Уларнинг хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олишни сўрайман. **(Ҳамма ўрнидан туради).**

* * *

Делегатлар съезд кун тартиби ва иш тартибини муҳокама қилишга киришадилар.

КПСС XXVII съездининг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ва партиянинг вазифалари.
2. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси тўғрисида.
3. КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида.

Дастлабки уч масала: КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига сиёсий доклади — докладчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

4. КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг Раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.
5. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижков.
6. Партиянинг Марказий органларини сайлаш.

Дастлабки уч масала юзасидан алоҳида-алоҳида докладлар қилинмай, уларнинг моҳиятини КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига сиёсий докладида баён этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинади.

Партия Марказий Комитетининг сиёсий докладини қилиш учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ **Михаил Сергеевич Горбачевга** сўз берилади.

Ўртоқ М. С. Горбачев доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладининг охирги сўзларидаги: Лениннинг ғайрат билан, ирода бирлиги билан янада юқори кўтарилиш, олға бориш ҳақидаги васиятини бажарайлик, деган даъватини съезд делегатлари ва меҳмонлари ғоят якдиллик ва гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини тинглади. Бу ҳақда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов доклад қилди.

26 февралда партия XXVII съезди ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

# Съезд президиуми

| | | |
|---|---|---|
| Александров А. П. | Климук П. И. | Разумовский Г. П. |
| Алиев Г. А. | Князюк М. А. | Решетникова А. С. |
| Алимов Т. А. | Колбин Г. В. | Ромазан И. Х. |
| Омонов А. М. | Колпаков С. В. | Рижков Н. И. |
| Антонов А. К. | Конарев Н. С. | Рябов Я. П. |
| Архипов И. В. | Коноплев Б. В. | Сизенко Е. И. |
| Ахромеев С. Ф. | Копппель Х.-М. О. | Сизов Г. Ф. |
| Багиров К. М. | Коптюг В. А. | Силаев И. С. |
| Баталин Ю. П. | Круглова З. М. | Славский Е. П. |
| Бирюкова А. П. | Кузнецов В. В. | Слюньков Н. Н. |
| Богомяков Г. П. | Кулижанов Л. А. | Соколов Е. Е. |
| Боева Л. С. | Кунаев Д. А. | Соколов С. Л. |
| Болдирев И. С. | Лигачев Е. К. | Соловьев Ю. Ф. |
| Вайно К. Г. | Лизичев А. Д. | Соломенцев М. С. |
| Ведерников Г. Г. | Ляшко А. П. | Строганов И. И. |
| Власов А. В. | Манаенков Ю. А. | Тализин Н. В. |
| Волков Ю. П. | Манякин С. И. | Таразевич Г. С. |
| Володин Б. М. | Марков Г. М. | Телепнев П. М. |
| Воронин Л. А. | Марчук Г. И. | Терешкова В. В. |
| Воротников В. И. | Масалиев А. М. | Угаров Б. С. |
| Гагаров Д. Н. | Маслюков Ю. Д. | Ульянов М. А. |
| Геллерт Н. В. | Махкамов К. | Усмонов Г. И. |
| Герасимов А. Н. | Мендибоев М. С. | Усмонхўжаев И. Б. |
| Глушко В. П. | Месяц В. К. | Уткин В. Ф. |
| Горбачев М. С. | Миронов В. П. | Ушаков Ю. К. |
| Горин В. Я. | Миронова Л. Н. | Федирко П. С. |
| Гришкявичус П. П. | Мишин В. М. | Филатов А. П. |
| Громико А. А. | Муравьев Е. Ф. | Хренников Т. Н. |
| Гроссу С. К. | Мураховский В. С. | Христораднов Ю. Н. |
| Демирчян К. С. | Мисниченко В. П. | Цуккерман И. И. |
| Демичев П. Н. | Назарбоев Н. А. | Чебриков В. М. |
| Жуманова Н. | Никонов В. П. | Черний А. К. |
| Долгих В. И. | Ниёзов С. А. | Чичеров В. С. |
| Дрижд Н. А. | Ожиганов Н. К. | Шакиров М. З. |
| Ельцин Б. Н. | Орлов В. П. | Шалаев С. А. |
| Ельченко Ю. Н. | Патиашвили Д. И. | Шаталов Ю. М. |
| Ермаков Н. С. | Патон Б. Е. | Шеварднадзе Э. А. |
| Ерпилов П. И. | Петров К. Г. | Шевченко В. С. |
| Зайков Л. Н. | Петров Ю. В. | Шкабардня М. С. |
| Захаренко А. А. | Плетнева В. Н. | Школьников А. М. |
| Зимянин М. В. | Полозков И. К. | Шчербина Б. Е. |
| Злобин Н. А. | Пономарев А. Ф. | Шчербицкий В. В. |
| Исаков В. И. | Пономарев Б. Н. | Юсупов М. Ю. |
| Калашников В. И. | Попов Ф. В. | Яковлев А. Н. |
| Капитонов И. В. | Прокопьев Ю. Н. | |
| Карпов В. В. | Пуго Б. К. | |

## ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

«Ташсельмаш» заводининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди иши кунларини энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга қарор бердилар. Съездолди зарбдор вахтасида жадал суръатлар билан меҳнат қилинганлиги коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани арафасида янги модификациядаги пахта териш машиналарининг дастлабки туркумини ишлаб чиқариш имконини берди. 25 февраль куни машинасозлар эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, кун сайин кўпроқ ютуқларга эришишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

— Биз жонажон партия съезди иш бошлаган мана шу кунда эришган ютуқларимизни гўё яна бир бор назардан ўтказамиз, — деди иш сменаси бошланиши олдидан бўлиб ўтган митингда механика-термогальваника цехининг бригадири О. Г. Карпова.

Бу — ҳар бир участкада ишларни тубдан яхшилашга оид катта ишнинг бошланиши ва уни қатъият билан давом эттириш зарур эканлигини яхши англаймиз. Ҳар биримиз юксак уюшқоқлик ва омилкорлик, меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатишимиз лозим. Бригадамиз партиянинг ҳозирги талабларини шундай тушунади. Биз бу талабларга жавобан съезд ишлаб турган кунларда пландан ташқари 4,5 мингта шпиндель ишлаб чиқариш ва 450 сўмлик қирқиш асбобини тежашга қарор бердик.

Илғор коллективдан намуна олиб, корхонанинг кўпгина бригадалари, ишчилари ўз зиммаларига съезд иши давом этадиган кунлар учун оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. «Ташсельмаш» заводи меҳнатчилари партия белгилаб берган вазифаларни рўёбга чиқаришга, мамлакат пахтакорларини серунум мустаҳкам машиналар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирилди.

(ЎзТАГ).



Барча совет кишилари ғоят орзиқиб кутган кун ҳам келди. Она-Ватанимиз пойтахти Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди тантанали вазиятда очилди.

Миллионлаб кишилар телевидение орқали бу тарихий воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Корхоналарнинг қизил бурчакларда, муассасаларда, ташкилотлар ва ўқув юртларида кишилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига қилган сиёсий докладини ғоятда зўр эътибор билан тингладилар.

Бу суратни кеча «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет фабрикасида фотомухбиримиз Т. Каримов олган.

# МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛДИ

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга интилган Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари мамлакат коммунистлари анжумани шарафига олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Шаҳар индустрияси йил бошидан бери планга қўшимча 8 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, приборсозлик, қурилиш индустрияси, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат ва бошқа тармоқларнинг ранг-баранг маҳсулотларини, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарди. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, ҳажмли-блокли уйсозлик заводининг янги ишлаб чиқариш майдонларида дастлабки буюмлар тайёрланди,

Съезд очиладиган кун арафасида шаҳардаги 17 корхона, 193 цех, 1020 участка ва бригада, 29 мингга яқин ишчи икки ойлик планни бажаргани ҳақида рапорт берди. «Узбексельмаш», «Ташмрамор», Октябрь 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Қизил тўқимачи» темир йўл станцияси, 4-автопарк, қуёшдан ҳимоя воситалари заводи, 2, 4-дон маҳсулотлари комбинатлари ва бошқа коллективлар зарбдор вахтада сезиларли ютуқларга эришдилар.

КПСС XXVII съезди ўтаётган кунларда Тошкент меҳнат коллективларида ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планлари ва мажбуриятларининг муддатидан илгари бажаришга қаратилган социалистик мусобақа авж олмоқда. Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, моддий ва энергетика ресурсларини тежаш бўйича резервлар қидириб топилмоқда.

Мамлакатимизнинг партия анжуманини зарбдор меҳнат билан нишонлайлик.

